


# ИЗНОНСИ

Ушбу сонда:

2 ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ  
ЎҚТИРАДИ

3 МУРУВВАТНИНГ  
САВОБИ УЛУФ

4 ЧЎПОН  
ҲИКОЯЛАРИДАН



## Тадбир

Аввал хабар қилганимиздек, кеча Тошкентда «Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо мамлакатларда бандлик ва меҳнат миграцияси муаммолари»га бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича Қўмитаси мезбонлик қилди. Унда Россия мустақил касаба уюшмалари Федерацияси, Қозғистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси, Озарбайжон касаба уюшмалари Федерацияси ва Қирғизистон касаба уюшмалари Федерациясидан вакиллар иштирок этдилар.

Олий Мажлис депутатлари, бир қатор вазирликлар, ваколатли идоралар ва ташкилотларнинг масул раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси таркибидagi тармоқ касаба уюшмалари Марказий Кенгаши ва касаба уюшмалари минтақавий бирлашма-

доир амалий тақлифлар ҳақида фикрлашасан ҳаммамиз учун фойдали бўлар эди, деган мулоҳазаларни конференция қатнашчилари бир овоздан маъқулладилар. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Светлана Иномова табрик сўзида ислохот-



етишда нодавлат ташкилотлари, жумладан, касаба уюшмаларининг ҳам фаол қатнашчилари лозимлигини кўрсатди.

Бошқа маърузаларда ҳам бандлик ва меҳнат миграцияси муаммоларининг турли қирралари очиб берилди, уларни бартараф этишга доир фойдали тақлифлар ўртага ташланди.

Конференция қатнашчилари Россия мустақил касаба уюшмалари Федерацияси бўлим мудирининг ўринбосари Людмила Тихонова, Қозғистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси департаменти консултанти Женис Қуттиқадомов, Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерациясининг етакчи мутахассиси Ориф Бағир ўли Ибрагимов ва Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси бўлим мудир Светлана Семёноваларнинг маърузаларини ҳам катта қизиқиш билан тингладилар.

Ишлаб чиқарилган «Тавсияномалар» лойиҳаси қизғин муҳокамадан сўнг, билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар билан тўлдирилган ҳолда конференция қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Меҳнат миграцияси ва аҳоли бандлиги муаммоларини бартараф этишда муҳим ҳужжат бўлиб қоладиган ушбу тавсияномаларни анжумандаги маърузалар билан тўплам ҳолида чоп этиб, Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти давлатлари касаба уюшмалари га тарқатиш ҳақидаги тақлиф ҳам маъқуллади.

Шунинг билан ишчанлик ва ҳамкорлик руҳида ўтган илмий-амалий конференция ўз иштини қуллади. (Конференция материаллари газетамизнинг кейинги сонидан чоп этилади.)

## БАНДЛИК, МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ ВА ҲАМКОРЛИК



ларининг раислари, ЎзКУФС таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва бўлим бошқаруви ҳамда журналистларнинг маъруза конференциядаги иштироки кун тартибидagi масалани атрофлича муҳокама қилиш имконини берди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Дилбар Жаҳонгирова табрик сўзи билан конференцияни очар экан, ушбу тадбирнинг мақсад ва вазифаларига тўхталиб, бандлик ва меҳнат миграцияси соҳасида қандай муаммолар борлигини аниқлаш мумкин. Бирок биз бугун бу муаммоларни ҳамкорликда бартараф этишга

ларни янада чуқурлаштириш, мамлакатни модернизациялаш шароитида, айниқса, аёллар ва ёшлар ўртасида бандлик ва меҳнат миграцияси муаммоларини бартараф этиш давлат сиёсати даражасидаги масала эканлигига эътиборни қаратди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича Қўмитаси раиси Илхом Насриев халқаро ва Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг меҳнат қонунчилигидаги энг яхши тажрибаларини ўзлаштириш ҳолда Ўзбекистон қонунларини янада такомиллаштириш ва тегишли янги қонунлар яратиш борасидаги изланишлар ҳақида гапириб берди.

Республика Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Ботир Алимўхамедов ўз сўзида давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида бу соҳадаги муаммоларни бартараф этиш йўлида катта иш қилиш мумкинлигини эътироф этди.

Шундан сўнг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Дилбар Жаҳонгирова «Республика аҳолиси бандлиги соҳасида касаба уюшмаларининг ҳоқимият бошқарув органлари ва иш берувчилар билан ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида» маъруза қилди.

Асосий фикрлар «Ишон» ва «Ишон-Доверие» газеталарининг шу кунги сонидан чоп этилган ва конференция қатнашчилари томонидан қабул қилинган «Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида меҳнат миграцияси ва бандлик муаммолари» сарлавҳали мақолада берилган ташкил ҳақида экан, маърузачи конференция қатнашчилари эътиборини қуйидаги масалаларга жалб этди:

— Ўзбекистонда қисқа давр ичида меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш борасида кўп иш қилинди ва қилинмоқда. Ҳозирги шароит касаба уюшмаларининг ҳам қонун ижодкорлигида фаол иштирокини тақозо этади. Уйлайманки, бугунги тадбир шу мақсадга хизмат қилади. Мавжуд



аҳвол меҳнат миграцияси ва бандлик соҳасидаги муаммоларга тик қараш кераклигини кўрсатмоқда. Яширин миграцияни легаллаштириш, аёллар ва ёшлар ўртасида ишсизлик муаммоларини бартараф этиш, айниқса, иш берувчиларнинг болалик аёлларга нисбатан муносабатини ўзгартириш керак. Ўзбекистонда ҳам, бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам миграция масалалари давлат монополияси доирасида қолиб кетаётгани учун ҳам яширин миграция кучаймоқда. Халқаро меҳнат тақсимида Ўзбекистоннинг кенг миқёсда иштироки эътиборини ҳуқуқ томонидан қўллаб-қувватлашни бу соҳадаги муаммоларни бартараф

## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қабулхонасида

Истиклол йилларида амалга оширилган туб ислохотлар натижасида жамиятимиз ва халқимизнинг дунёқарши ўзгарди. Инсон омилга эътибор кучайиб, энг юқори поғонага кўтарилди. Кучли ижтимоий химоя таъминоти давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ушбу жараҳатларда ўзига хос ўрин тутиб келаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятида ҳам меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари химояси фаолият негизини ташкил этади.

вон пуллари ва 116 минг 861 сўм 13-маоши ундириб берилди. Шунингдек, унга соғлигини тиклаши учун «Қизилтепа» сихатгоҳига йўлланма ажратилди.

Қашқадарё вилоятининг Муборак шаҳрида яшовчи О.Тўраевнинг ўз

## ЭШИКЛАРИМИЗ БАРЧА УЧУН БИРДЕК ОЧИҚ

Инсонга наф келтириш — олий бахт. Ушбу эзгулик, ҳолисона кўмак ва мададга йўрилган сўзлар бежиз шior қилиб олинмаган. Чунки, Республика касаба уюшмаларининг беғараз ёрдамидан бугунги кунда касби қоридан қатъи назар, минг-минглаб кишилар баҳраманд бўлмоқдалар.

Бу даргоҳга меҳнатқашлардан йил давомида қатор ёзма ва оғзаки мурожаатлар келиб тушади. Бунинг ҳам ўзига хос сабаби бор, албатта. Ахир, инсон, айниқса, бирор мушкулотнинг ечимини излаётган киши унга қўлқўтган, арзи-ҳолига холис ёндошган, қолаверса, қонуний талабини қондирган масканга интилади. Шу боисданким ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида олиб борилаётган ислохотларни амалда таъбиқ этишда фаол иштирок этиб келаётган ушбу жамоат ташкилотига йил сайин ишонч ортиб бормоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қабулхонасида меҳнат аҳлидан келаётган ариза ва мурожаатлар, миннатдорчилик мактублари фикримизнинг эрқин далили бўла олади.

— Эшикларимиз барча учун бирдек очик. Кимдир иш берувчи томонидан ноқонуний равишда ишдан бўшатилгани, бошқиси соғлиғига etkazилган зарар учун товон пулини ундириш мақсадида қонуний

ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш учун ёрдам сўраб мурожаат этади, — дейди ЎзКУФК қабулхонаси референти М.Абзалова. — Федерация кенгаши раҳбарияти, тажрибали ҳуқуқшунослар мурожаат билан келганларнинг ариза, шикоят ва тақлифлари билан танишар эканлар, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганини юракдан ҳис этган ҳолда уларнинг ижобий ечим топиши учун астойдил интиладилар.

Ушбу савий-ҳаракатларнинг амалий натижаларига назар ташлайлик.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига мурожаат этган «Фарғонагаз» ҳудудий газтаъминот корхонасининг Сўх тумани филиали ишчиси бўлган Н.Мамажонов иш жараёнида бахтсиз ҳодиса туфайли қисман меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун туланаётган товон пулини ўз вақтида ололмаётгани, 13-маош берилмаганлиги юзасидан арз қилиб, йўлланма билан таъминланганида ёрдам кенгаши қабулхонасида меҳнат аҳлидан келаётган ариза ва мурожаатлар, миннатдорчилик мактублари фикримизнинг эрқин далили бўла олади.

вазифасидан иш берувчи ташаббуси билан асосиз равишда бўшатилганлиги ҳақидаги шикоят аризаси ҳам Федерация кенгаши томонидан ижобий ҳал этилиб, адолат қарор топди. Яъни, Федерация кенгаши топишига биноан Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё санoати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши мутахассислари ушбу аризадан бевосита жойида ўрганиб чиқдилар ва ҳақиқатдан ҳам «Муборакнефгаз» унитар шўба корхонасининг фарроши О.Тўраева билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисмининг 4-бандига асосан бекор қилинганлигини аниқладилар. Аммо, мазкур буйруқ чиқарилишида амалдаги МКнинг 237-моддаси талаби бузилган, яъни О.Тўраева билан тузилган меҳнат шартномаси қонунга зид равишда унинг ҳомиладорлик вақтида бекор қилинган. Касаба уюшмаларининг аралашуви билан корхонанинг 2005 йил 14 апрелдаги буйруғи бекор қилиниб, 4 нафар фарзанднинг онаси О.Тўраева ўз ишига тикланди ва мажбуран бекор юрган вақти, яъни 2005 йилнинг 14 апрелидан 2006 йилнинг 2 февралигача бўлган давр учун ўртача ойлик иш ҳақи ундириб берилди.

(Давоми 2-бетда)

## Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллигига

### БУЮКЛАР АНЪАНАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хоразмшоҳлар давлатининг маркази Гурганжда (ҳозирги Кўна Урганч) ўз замонасининг йирик олимлари тўплаган ва тарихда Маъмур академияси деб номланган илмий маскан фаолият кўрсатган. Бу ерда Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саид Масихий, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саид ибн Муҳаммад ибн Мисқавий, Абул Хайр Хаммор, Абу Мансур ас-Саолибий, ас-Саҳрий, Камарий, Рақоқий каби олимлар илмий изланишлар олиб борганлар. Улар математика, кимё, астрономия, тиббиёт, мантик, руҳият, фалсафа, адабиёт, мусика, механика каби турли фан соҳалари билан шугулланиб, уларнинг жаҳон миқёсида ривожига замин яратганлар.

Хоразм Маъмур академияси асрларга татигулик икки буюк сиймо — Беруний ва Ибн Синоларни етказиб берди. Шу билан бирга бу даврда дунёвий фанлар юксак босқичга кўтарилди. Ушбу илм маскани минтақалараро тараққий этиб қолмай, балки давлатлар ўртасидаги маданий алоқаларни ҳам мустаҳкамлади, турли халқларнинг эътиқодини бирлаштирувчи дўстлик риштаси бўлиб тарих саҳифаларидан ўрин эгаллади. Шуниси диққатга сазоворки, Маъмур академиясида ўша пайтлари турли миллат ва динга мансуб кишилар тадқиқотлар олиб борган. Ўз навбатида Гурганж насронийлик, зардуштилик ва ислом динларини бағрига сиғдира олган улкан пой-

таخت ҳисобланган. Бу шарҳда турли дин вакиллари дўст-иноқ умр кечиришган. Масалан, Абу Райхон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарига машҳур олим Абу Саҳл Масихий насроний динига эътиқод қилганини ёзди (1969 йил, Тошкент, «Фан» нашриёти). Ҳолбуки, бу каби манбалар Берунийнинг санскрит, яҳудий, хинд, паҳлавий (қадимги форсий), араб ва ҳозирги туркий Хоразм шевасидан фарқли ўлароқ қадимги хоразмийлар тилларини пухта билгани ҳақидаги маълумотлар ҳам бежиз эмаслигини кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, Маъмур академияси гуллаб-яшнаган давр ўзаро толерантлик, демократик қарашлар шакланган пай-

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ФОНДИ

### «Кичик грантлар танлови»ни эълон қилади

«Кичик грантлар танлови» доирасида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, муҳим гуманитар, социал-иқтисодий ва бошқа ижтимоий ҳиҳатдан аҳамияти масалаларни ҳал этиш ва фуқаролик жамиятини ўрганиш институтларини ривожлантириш мақсадида ўз фаолиятини қуйидаги соҳаларга йўналтирган нодавлат нотижорат ташкилотлар қўллаб-қувватланади: — ижтимоий масалаларни ҳал қилишда ННТларнинг давлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар), жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш; — фуқароларни ишга жойлаштириш ва янги иш ўринлари яратиш, касба

қилиши; — фермерларнинг ва қишлоқ жойлардаги тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, уларда бозор иқтисодиёти қўникмаларини ривожлантириш ва уларни ҳуқуқий ҳимоялаш.

Тадқим этиладиган грантларнинг энг катта миқдори - 5 миллион сўм.

Танловда аълия органларида рўйхатдан ўтган ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси (ЎЗННТМА) аъзо ташкилотларига иштирок этиши мумкин.

Танлов шартлари билан ЎЗННТМА ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фондида, шунингдек, www.ngo.uz сайтида батафсил танишиш мумкин.

Мамакатнинг турли ҳудудлари ва

қиллари бўлган танлов иштирокчилари тегишли ҳужжатларни электрон почта орқали юборишлари мумкин. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролар йиғинлари, давлат муассасалари ва лойиҳа бўйича ҳамкорларнинг қўллаб-қувватловчи хатлари эътиборга олинади. Ҳужжатлар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, 2006 йил 30 ноябр куни соат 16.00 гача қабул қилинади. Маълумот учун Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фондига мурожаат қилиши мумкин. Тел.: 133-18-54. Электрон манзил: fundgro@rambler.ru.

## ЛИЗИНГ БЎЙИЧА ЯНГИ УСКУНАЛАР

Анджондаги «Инвестекс» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида ўрнатилган янги линиялар йилга беш миллион донгача тикилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради.

Корхона «Ўзбеклизинг» Миллий компанияси кўмаги билан 800 минг долларга Япония ва Туркияда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарни сотиб олди. Бу маҳсулот сифатининг янада яхшилангани ва иш ҳажмининг кўпайишига замин яратди. Ҳозирда эллик турдаги тикилган ва тўқилган кийим-кечаклар ишлаб чиқарилган. Шуниси қувонарлики, маҳсулотнинг бир қисми хорижага экспорт қилинмоқда.

## УЙ БЕКАЛАРИ УЧУН БИЮРТМА

Жалақудук туманининг Охунбоева шахридаги қасаначи Зиёдаҳон Раҳмонова пахта чигити учун қол тикишига биюртма олади.

Мана бир неча ойдики, Зиёдаҳон «Сўфиқишлоқ пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамиятининг биюртмасини бажариб келмоқда. Керакли мато ва хомашё қасаначининг уйига келтирилади. Бундан ташқари, чевар пахта теримчилари учун беш минг донга фартук ва бошқа маҳсулотларни тикиб берди.

Катта сарф-ҳаражатларсиз керакли маҳсулотга эга бўлаётган қорхона қасаначилар ишидан мамнун. Гап шундаки, Зиёдаҳонга ухшаган яна йигирма нафар уй бекаси қасаначилик билан шугулланмоқда. Улар учун бу мунтазам даромад манбаи, қолаверса, қорхонада улар учун меҳнат дафтарчалари очилган.

К.НИЗОМОВ

# ЭШИКЛАРИМИЗ БАРЧА УЧУН БИРДЕК ОЧИҚ

**(Боши 1-бетда)**  
«Қашқадарё телеком» филиали лойиҳа ишлаб чиқариш бўлими техникни А.Шаропованинг ҳеч қандай оғохлантиришсиз ва сабаби кўрсатилмаган ҳолда ишдан бўшатиб юборилганини тўғрисидаги аризаси ҳам Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси томонидан жойида ўрганиб чиқилди ва А.Шаропова ишга тикланди.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, касаба уюшмалари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 268-моддаси талабларидан келиб чиқиб, иш берувчилар томонидан меҳнат ҳуқуқлари поймол этилган ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида меҳнат низолари юзасидан фуқаролик судларига даъво аризаси киритиб, меҳнатқашларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари тикланишига ҳам эришмоқдалар.

Масалан, Тошкент шаҳар Чилонзор туманида яшовчи Н.Царегородцева касаба уюшмаларига «Тинчлик коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати ҳисобчиси лавозимидда ишлаши, касаллик варақасида бўлган вақтида ноқонуний равишда ишдан бўшатиб юборилганини, унга масалани қонуний ҳал этилишида кўмак беришлари сўраб муражаат этади.

Шу ўринда бир гап. Ариза ва шикоятларнинг ёзилишига баъзи бир иш берувчиларнинг амалдаги қонунлари яхши билмасликлари ёки билсалар ҳам амал қилмаётганлари сабаб бўлмоқда. Чунки кўпчилик муражаатларда иш берувчи томонидан ҳодим билан меҳнат шартномасини бекор қилишда қонунийлиги йўл қўйилганлигини кўриш мумкин. Шу боис жойларда ҳуқуқий саводхонликни оширишга бўлган эътиборни янада оширилса айни мудоао бўларди.

Арiza Енгил, мебел санюати ва коммунал-مائий хизмат ҳодимлари касаба уюшма Марказий кенгаши мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилиб, судда унга

Ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда амалий ёрдам кўрсатилди ва ишга тикланишига эришилди. Н.Царегородцевага мажбурий бекор юрган вақти учун 197 минг 233 сўм, шунингдек, маънавий зарар учун 60 минг сўм ундириб берилди.

Касаба уюшмаларининг қонуний аралашуви билан меҳнатқашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш борасида ижобий ҳал этилган мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бунда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмалари, тармок Марказий кенгашилари ҳуқуқшуносларнинг жонбозликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли. Сирасини айтганда, меҳнат аҳлининг ҳақиқий суяничи бўлиш касаба уюшмалари фаолиятининг жон томирдир. Утаётган ҳар бир кун унинг янги-янги қирраларини очмоқда.

**Муҳаббат УРМОНБЕКОВА, ЎЗКУФК матбуот котиби.**



Оққўрғон автобус-такси саройи масъулияти чекланган жамияти жамоасининг самарали меҳнати туфайли аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизмати кундан-кунга яхшилана бормоқда.

Чунончи, амалга оширилаётган муҳим тадбирлар боис, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида йўловчи ташиш режаси ортиги билан бажарилди. Айни пайтда 43 та автобус 11 та йўналишда йўловчиларга хизмат қилаяпти. Шундан 10 та ПА3-32 русумли автобуслар янгидан харид қилинди.

Бу ердаги меҳнат интизоми, соғлом маънавий муҳит, ушқоқлик, муҳими, ҳайдовчилар ҳамда муҳандис-техник ходимларга яратилган қўлайликлар утқурлар омили бўлмоқда.

**Суратларда: моҳир ҳайдовчи Мамур Саидов; бош муҳандис Абдулла Эргашев таъмирловчи уста Хасан Уролов билан.**

**А.ХУДОЁРОВ олган суратлар**

## БУЮКЛАР АНЪНАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**(Боши 1-бетда)**  
1997-2005 йиллар мобайнида «Биология муаммолари» бўлимида қатор илмий мавзулар бўйича тадқиқотлар амалга оширилган, Хоразм воҳисидида туپроқ-иклим шароитларида истиқболли серхосил, касалликларга ва зараркундаларга чидамли ўсимликлар навларини яратиш устида иш олиб борилган. Экинларни алмашлаб экишнинг биологик асослари тадқиқ қилиниб, 12 нав ўза, 2 нав бўғдой, беда ва 10 нав шолиларнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлиги ўрганилди.

2003 йилдан эътиборан маъзур даргоҳда иккита фундаментал ва саккизта амалий дастурлар бўйича 52 ҳодим, 2 академик, 11 фан доктори ва 26 фан

номзоди илмий изланишларни амалга оширяпти. Хива туманидаги «Еш табиатшунослар» ижод маркази негизида «Кичик академия» ташкил қилиниб, унинг фаолияти Хоразм Маъмун академияси раҳбарлари ҳомийлигида давом эттирилмоқда. Чунончи, академия қошида Беруний номидаги илмий семинар-кеңаш фаолият кўрсатаёпти. Шунингдек, ҳўжалик ҳисобидида иш юритувчи «Доривор ўсимликлар боғи» ташкил қилинган нур устига аъло нур бўлди. «Хоразм Маъмун академияси» нашриёти эса халқимизни маърифат ёғдуларидан баҳраманд этаётди.

**Эрпўлат БАХТ, «Ишонч» мухбири**

## Фармон ва ижро «ЛОЛА»

### КАСАНАЧИЛАРИ

Истиқбол йилларида айбларнинг ижтимоий фаоллиги, оила ва жамиятдаги ўрни, маънавий оқибат, улар ўрта-сидда тадбиркорлик кенг қўлчи ёйди. Эндилликда хотин-қизларимиз оиласидан узоклашмасдан ҳам ишлаб, дарамад топиш имкониятига эга. Бу борда Президентимизнинг касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги Фармони муҳим омили бўлмоқда.

Сирдарё вилоятида маъзур ҳўжат ижросини таъминлаш мақсадида ўтган давр мобайнида бир ярим мингга яқин янги иш ўрни яратилди. Иш билан таъминланганларнинг асосий қисминини хотин-қизлар ташкил этади.

## Қиш тайёргарликни ёқтиради

**Сир эмас, илгарилари Сирдарё туманидаги Синдоробод дехқон фермер ҳўжаликлари кузурдаги 25-мактаб ўқувчилари қорли-қировли кунларни ҳадик-хавотирда қарши оларди. Сабаби таълим даргоҳини оз эмас, кўп эмас, нақд беш йил иситиш имкония топилмади...**

Отани ўртаган дард энди фарзанд гаданга ташганди. Ёш раҳбар тадбиркорлар, шу мактабнинг собиқ битирувчилари билан мустаҳкам алоқа боғлади. Улар қўйинга кўл солди. Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деганларини руст экан. Собиқ битирувчилар Уктам Тишлиқов ҳамда Бахтиёр Фармоновлар бу ишга астойдил

Корхонамизда ўттизга яқин аёл касаначилик асосида ишлаяпти ва уларнинг сонини юздан ошириш чораларини кўряпмиз, - дейди Гулистон шаҳридаги «Лола» хиссодорлик жамияти расиси Мавжуда Мирбаратова. - Касаначиларимизга тикув машиналари ҳамда зарур хомашё ўз вақтида етказиб берилмоқда. Улар табиийда фойдаланиладиган маҳсулотлардан ташқари, турли бичимдаги либослар, кўрпа, ёстиқ жилдларини ҳам тайёрлаб беришмоқда.

Мирзачўликлар ҳавасини оширган ўша «Кўёш» кўрғонидида ана шундай ҳолат юз берди. Режалаштиришдаги нуқсон йиллар ўтиб ўз асоратини кўрсатди. Таълим даргоҳига тафт берадиган хайхотдек қозонхонанинг бир неча чакирим олисда барпо этилиши, қувурларни ўрнатилганда хатоликлар яққол намоён бўлди. Мактаб раҳбари Абдужаббор Исаев рўй берган ҳолатга томошабин бўлиб туролмади. Муражаатлар ҳўжалик мутасаддилари столи устида чанг босди. Тўғри, амалий тақлифлар ҳам бўлган. Қайсидир фирма синфхоналардаги чўян печлар эвазига оддийгина қувурлар ўрнатилиши вавдасини қилганди. Аммо ўжар раҳбар қўнмади. Ахир мактаб мулки, қолаверса, ноёб металлни омонатга олиб нима ютишади.

Хўжалик тамомила интизорга юз тутган, унинг ҳисобидида турган қозонхона ҳам олғирлар томонидан талон-тарож қилинди. Энди ундан умид ҳам, наҳот ҳам йўқ. Беш йиллик интилиш, зое кетаётган ҳаракат Абдужаббор Исаевни қартиди. Умининг 50 йилини таълим-тарбияга бағишлаган 45 йил бевосита ўзи раҳбар бўлган масканнинг аҳоли кекса муаллими саломатлигига жиддий таъсир қилди. Нафақага йўл олар экан, ўзидан кейинги етакчи бу ишининг улдасидида чиқшига умид боғлади. Жамоа бир овоздан раҳбарликни ёш, ғайратли Ҳайитбой Исаевга топшириш истагини билдирди.

## Хабарлар МЕҲР ВА САҲОВАТ УЙГУН

Республика автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизимидаги ташкилотларда Хомийлар ва шифокорлар йили бўйича ишлаб чиқилган дастурларнинг бажарилиши мунтазам равишда назоратга олинган. Унга кўра кам таъминланган, кўп болали оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, байналмилалчи жангчилар ҳамда Меҳрибонлик ва Саҳоват уйлари тарбияланувчилари моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Уларни соғломлаштириш, ҳомийлик ёрдами кўрсатиш ишлари амалга ошириляпти.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида касаба уюшмалари ҳамда корхоналар ҳисобидан кам таъминланган оилаларга 68 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

## АРИЗАЧИЛАР ФОЙДАСИГА ҲАЛ ЭТИЛДИ

Қурилиш ва қурилиш ашёлари санюати ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Фаргона вилоят вакиллари тармок меҳнатқашлари томонидан тушган ариза ҳамда шикоятлар ўз вақтида ўрганиб чиқилишига асосий эътиборни қаратган. Уларнинг кўпчилиги меҳнатқашлар фойдасига ҳал этиляпти.

Фаргона шаҳридаги «Нефтявтомонтаж» масъулияти чекланган жамиятининг 21 нафар ишчи-хизматчиларидан ноқонуний равишда ишдан бўшатилганлиги тўғрисида шикоят тушган эди. Касаба уюшма мутахассисларининг аралашуви билан уларнинг 13 нафари ўз вазифасига қайта тикланди.

## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ МАДАНИЙ ХОРДИҚ ЧИКАРИШДИ

Соғлиқни сақлаш ҳодимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши томонидан меҳнатқашларнинг ижтимоий ноҳор қатлами муттасил равишда қўллаб-қувватлаб келиняпти. Жорий йил бошидан бери ёлғиз кексалар, пенсионерлар ҳамда ногиронларнинг 1524 нафарига 1 миллион 800 минг сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган 40 оила фарзандлари ўқув қуроллари билан таъминланди. Болалар уйлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш қуни муносабати билан Қиёрай туманидаги «Кичкинтой» болалар уйига 320 минг сўмлик совғалар тарқатилди.

Шунингдек, «Туркистон» ёғи залида ўтказилган концертда 627 нафар тиббиёт ҳодимлари маданий хордиқ чикардилар.

**Ўз мухбирларимиз**

## Жиноят ва жазо

**Яқинда Чортоқ туманидаги Гулшан фуқаролар йиғини ҳудудида туғилиб ўсган Нозим Ботиров суд қарорига кўра узок муддатли қамоқ жазосига ҳўкм қилинди. Нега? Нима учун эндигина 27 ёшга кирган, қаттагина бир оилага бош бўлиб, эл-юртга нафи тегиши лозим бўлган йигит қамоқда ўтириши керак экан?**

# ГУЛШАНДАГИ «ЧАҚИРТКАНАК»

Аслида Нозим туғилиб ўсган жой табиат ардоқлаган масканлардан. Қаёққа қаранган, боғлар, тоқзорлар. Қишлоқ яқинидан шарқираб сой оқиб ўтади. Шундоқ ўн беш-йигирма чакирим нарида чўққига оппоқ қорлардан қалпоқ кийган тоғлар ястаниб ётади. Бундай гўзал манзилда келбати келишган, тилидан бол томадиган, қарашдан эзгулик, ҳаракатидан яхшилик ёғиладиган инсонлар вояга етишишлари керак-ку! Гулшанда чиндан ҳам меҳнатидан боғлар кўкгарган, тоқлар вагонлаб ҳосил берган, сой ва аркларидида сувлар жилдираган, оддий инсонлар билан бир қатарда, Нозим каби кишилар дилини оғритувчи, одамларга озор етказувчи, фақат текин еб, текин ичсини кўзловчи кимсалар борлигидан, афсусланиб кетасан киши.

этни ўзини. Кўпчилик ўртасида гердаиб ҳеч кимга гап бермас, унча-мунча одамни чивинча ҳам кўрмайдиган бўли қолди. Махалла фаолларининг, қавму қариндошларининг ҳам насиҳатларига қўлоқ тутмади. Ўзи билган йўлдан қайтмади.

Киссадан хисса шуки, Нозим Ботиров шу ёшга кирганига қадар бирон жойда ёлчишиб ишламади. Ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини деганларидек, текин еб-ичиши ўрганди. Текинхўрлик ҳеч қачон ҳеч кимга яхшилик келтирмаганидек, Нозимдан ҳам тешиб чиқди. Охир-оқибат қўллаб содир этган жиноятлари туфайли 1999 йилда 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Кунлардан бир кун кеч соат 22 ларда ўзи сингари уч-тўрт ишёкмасларни топиб, маишат қилиш ташаббускори бўлди. Шу пайт кўчадан ўтиб бораётган ҳамқишлоғи Рустам Бозоровни ҳам даврга қўшилишга чакирди, унамаганига қўймасдан, унинг нафсониятига тегадиган гаплар қилди. Шу ердаги дўкундан вино олиниб, ичиш бошлангандан сўн ҳам Р.Бозоровнинг жиғига тегишни бас қилмади. Рустам Нозимнинг ҳақоратларига жавобан гап қайтарганида, хурматини жойига қўймагани учун аввалига ҳақоратлади, бу ҳам камлик қилгандай озик-овқат дўкунидан пичоқ олиб чиқиб, Рустам Бозоровнинг ўнг бикинига санчди. Рустам ўзини ҳимояламоқчи бўлганида пичоқ ўнг қўли қафтини ҳам кесиб кетди. Нозим қилмиши учун яна ҳам узокроқ муддатга ҳўкм қилинди.

Ақли, фаросати бор инсон учун бу қатта мактаб бўлишиги, тегишли ҳулосани чикариб олишиги лозим эди. Лекин, Нозим қамоқдан қайтган, гўёки қаҳрамонлик кўрсатиб келгандек ҳис

**Мўминжон БОБОМИРЗАЕВ, Наманган вилояти прокуратураси жиноятлари тергов қилиш бўлими бошлиғи, адлия маҳсулоти бўлими Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.**

# НАЗОРАТНИ ЧЕТЛАБ ЎТГАНЛАР

**1997 йил 26 декабрда қабул қилинган Божжона Кодексидида товар ёки бошқа бойликларни Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали олиб ўтиш тартиби белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексларда қонун талабларини бажармаганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган.**

ҳудудида четдан товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисидаги ва 2004 йил 25 мартдаги «Спирт ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини қучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари талабларини қўпол равишда бузиш ҳоллари учраяпти.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 245-моддаси 2-қисмига мувофиқ ҳуқуқбузар айбини инкор этса, ишини бевосита судья кўриб чиқади. У божжона чегарасидан товар олиб ўтаётган фуқаронинг ҳуқуқларини ҳам эътибордан қочирмаслиги керак. Товар йўналиши бўйича қатнайдиган йўловчилар ташиш поездининг 7-вагонидан тушиб келаётган Г. Алимованинг сумкаси божжона кўригидан ўтказилганда декларациясида кўрсатилган суммадан ташқари яна 4500 АҚШ доллари ва 3100 қозоқ тангаси борлиги аниқланди. Жуда кўп микдордаги чет эл валюталарини Ўзбекистон Республикаси божжона чегарасидан қонунга хилоф равишда олиб ўтганлиги учун шу йил 25 июл куни унинг иши жиноят ишлари бўйича Тахтақўпир тумани судида кўрилиб, у тегишли жазога тортилди.

Фуқаро С. Калиева 2006 йил 13 июл куни 15 литр этил спиртининг ноқонуний муомалага киритмоқчи бўлганда қўлга олинди. Шу йил 21 сентябрда иши судда қўрилди, тегишли жазога тортилди.

Баъзан божжона ҳодимлари ҳам ҳўжатларни расмийлаштиришда камчиликларга йўл қўядилар. Фуқароларга Т-6 декларацияси берилмайдиган, холислар иштироки таъминланмайдиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилмайдиган.

Айрим фуқаролар ҳанузгача товарларни, валюта ва қимматбаҳо буюмларини чегарадан олиб ўтаётганда декларация тўлдириб ва унга ҳамма нарсаларини кўрсатиб ёзишни билмайдилар. Гоҳо билишса-да, бу менинги шахсий мулким деб божжона талабларини бузганлигини тан олмай, судга келишади.

Шунингдек, божжона постларига видеокамералар ўрнатилса, божжонага доир қонунларни қўллаш амалиёти умумлаштирилиб берилса, бу бордаги ишларимиз юқори даражага кўтарилган бўларди.

Хозирги вақтда хорижда ишлаб келаётган ва майда савдо-сотик билан шуғулланувчи фуқаролар томонидан четда ишлаб чиқарилган сигарета, этил спиртини олиб, божжона назоратини четлаб

**К. ЖАМИЛОВ, Жиноят ишлари бўйича Тахтақўпир тумани судининг раиси**

## ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ...

бел боғлашди. Улар ёрдамида тежамкор агрегат келтирилди. 4 та иситиш системаси келтирилиб, газнинг ҳар қандай босими шароитида ҳам мўътадил иссиқ бериш имкония топилиди. 22 сентябр куни беш йиллик мўз эриди. Энди синдороблик болаларини аёз ҳам, қаҳратон қиш ҳам чўчита олмайди.

— Ҳозир иссиқхонада арча уруғидан кўчат етиштириш устида ишлаяпмиз, — дейди Ҳайитбой Исаев. — Бу сёрдаромад ишни йўлга қўйсақ, мактабимизга қони

## МАВСУМ СУСТКАШЛИКНИ ХУШЛАМАЙДИ

**Ҳар йили қорхона, ташкилот ҳамда хонадонларни қуз ва қиш мавсумига тайёрлашда пойтахт вилоятининг Янгийўл шаҳар иссиқлик манбаи жамоаси олдига тушадиган топилмас, мақсадга эришиш йўлида сигналган тажрибаларга таянилганлиги сабабли шаҳар ҳамда Оққўрғон, Чиноз, Қуйи Чирчик туманларидаги 30 дан ортиқ қозонхоналар сифатли таъмирланарди. Натижада шифо масканлари ва муассасаларда қишнинг қирқилма кунларида ҳам муаммо бўлмади.**

Бирок жамоа саъй-ҳаракатига «кўз теккан»га ўхшайди. Сабаби аён: мутасаддиларнинг аҳоли билан ишчи ташкиллаштиришда сусткашликка йўл қўяётгани ва масъулиятни ҳис этмаётгани боис, фойдаланилган маҳсулот учун қарздорлик кундан-кунга ошииб бормоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, вилоят бўйича аҳолидан ундириладиган қарзлар миқдори 18 миллиард сўмга бориб қолган. Бу нафақат ишчиларнинг ўз вақтида маошини олишига, балки тармоқни қишга сифатли ва соз қилиб ҳозирлашга ҳамда янгиликларни жорий этишга ҳам жиддий тўғаноқ бўлмоқда.

Вилоят «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси бош ҳисобчиси Ирина Семёнованинг таъкидлашича, мутасаддиларнинг муҳим ишга беътиборлиги туфайли 1500 нафар ишчи олти ойдан буюн маошини ололгани йўқ.

Албатта, мавсумнинг беталофат ўтиши, аввало унга пухта ҳозирлик қириш ва ишчиларни рағбатлантиришга кўп жиҳатдан боғлиқ. Пойтахт вилоятида, афсуски, ана шу тамойилларга қатъий риоя этилмаётганлиги сабабли Чирчик, Янгийўл, Бекобод, Олмалик, Охангарон каби ша-

## Галли гапир уққанга

**Д.ЭСОНОВА**

**А. КОДИРОВ, Тошкент вилояти**



Хотира турнири

# ЯРИМ ФИНАЛГА БИР ҚАДАМ



Ва ниҳоят, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокидаги Олимжон Акбаров хотира турнирининг гуруҳ босқичи якунланди.

«А» гуруҳида икки йўлланма учун курашган жамоалар баҳсида «Маърифат» ҳамда «УзТВ» жамоаларига омад кулиб боқди. «В» гуруҳида қизиқ ҳолат юзга келди. Биринчи йўлланма аввалроқ МТРК жамоасига насиб қилганди. Иккинчи ўрин учун курашда «Туркистон» газетаси ҳамда «Хонадон» газетаси вакиллари оқолари тенг келиб қолди. Узаро учрашув натижаси ҳам дуранг билан якунланди. Шу боис тўлар нисбати инобатга олинмаган бўлди. Бир тўлар фарқи «Туркистон» жамоасига қимматга тушди. «Хонадон» жамоаси кейинги босқичга йўл олди.

қикди. Жамоамиз вакиллари тўп сураётган «Д» гуруҳида ҳам оқолар тенг келган уч жамоа кейинги босқичга йўл берувчи битта йўлланма учун даъвогарлик қилди. Аммо омад «Еш куч» жамоаси вакилларига кулиб боқди. «Ишонч» жамоаси «XXI аср» газетаси вакиллари 2:1 ҳисобида енгани уларга қўл келди. «XXI аср» жамоасини дуранг натижа ҳам қониқтирарди. Дўстона, деярли тенг курашлар остида ўтган ўйинда жамоамизга омад кулиб боқди, лекин у ҳам навбатдаги босқичга йўлланма беролмади.

Демак, чорак финалда «Маърифат»-«Ватанпарвар»  
«УзТВ»-«Ўзбекистон футбол»  
МТРК-«Еш куч»  
«Наврўз FM»-«Хонадон» жамоалари ўзаро тўп суради.

Шундай қилиб, ярим финалга бир қадам қолди.

**А. ЮНУСОВ,**  
**«Ишонч» мухбири**

«С» гуруҳида «Ўзбекистон футбол» ҳамда «Ватанпарвар» жамоалари оқолар нисбатига кўра чорак финалга



**Чўпон ҳикояларидан**  
Осмонпўр Кўкбулоқ тоғи ёнбағирларида бир неча сурув кишини ёзини парваришлар, онда сонда бўлса да бўриларнинг кўйларини оралаб туриши демаса, ҳаёт осуда кечарди. Чорвадорлар ўртасида юрган киши яхши биларди: «Хар қандай йилки яхши от бўлмас, хар қандай сиртлон ҳам кўркүв билмас садокатли от бўлавермас». Қолаверса, итнинг қудратли, ақли расо ва тартиблилиги нафақат жинсига, унинг нималарга ўргатилишига ҳам боғлиқ.

Раҳим амаки бошлиқ кичик фермер хўжалигида юз чоғли майда шохли моллар парваришланиб, содиқ итлар уларни ташқи хавф-хатарлардан қўриқлаб қелишар, айниқса, Кўктой ёнларида бўлганда янада жанговар ва кўркмас бўлиб кетишарди.

Кўктой думсиз, тувоси шундай. У кучуқчилигидаёқ турли бапо-қазоларни кўп бошидан ўйтаган. Бир гал сурувга йўртқин оралаб бир нечта совлиқни бўғизлаб кетганда, у ич-ичидан эзилди, анча вақт алам ва изтироқ гирдобидида юрганди. Кейинчалик бу унга сабоқ бўлди. Орадан бир йил ўтгач, кучга тўлиб, оғир-вазмин бўлиб қолди. У кундузи кўтон ҳовлисида ётар, оқшомлари эса теварак-атрофини қўриқлашни қанда қилмасди. Йўртқин хидини сезганида бир марта хуриб қўяр, кейин уни қувиб етиб, қўраги билан уриб йўқитар ва кулоги остидан тишлаб жон таслим қилмагунча қўйиб юрмасди.

Йиллар ўтиб, Кўктой бўлганлигидан чўпонлар шундай ном қўйишганди. Орқа оёқларида қўшимча олтинчи тирноғи ҳам бор. Сиртлон ит хар қандай хавф-хатарни олдиндан пайқар, тажрибаси ҳам етарли эди. У елкадор, бақувват, оёқлари узун, панжалари йирик, рақиб билан бўлган олишувларда бардошчи ва хар доим ақл билан иш қўрарди. Бу ҳислатлари унга онаси Кўктойдан ўтган, шунинг учун қўшин отлардаги чўпон итлари ҳам ундан ҳайқиб туришарди.

Олапар итлар тўдаси орасида тартиб-интизом сақлар, ҳатто кичик хатоликка йўл қўйганларни ҳам жазосиз қолдирмасди. Чўпонлар бўлмаган кезлари қўйларни яйловларда бемалол ўзи бошқарарди.

## Оммавийликдан маҳорат сари МАШАҚҚАТ ОРТИДАГИ ШАРАФ

Санамжон жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиш орсунини айтганда, нафақат синфдошлари, балки ота-онаси ҳам ҳайрон қолишган, ҳатто, айримлар устидан қулишган эди.

У аҳдида қатий турди. Балки бунда ҳам унга спорт ёрдам бергандир. Ахир, спорт нафақат вужудни, руҳни ҳам чиниктиради, дейишадими-ку.

Интилишлар, изланишлар туфайли Санамжон орсунига эришди. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини жисмоний тарбия мутахассислиги бўйича тасмоллади. Узоқ йиллар ўрта мактабда жисмоний тарбиядан дарс берди. Ўқувчиларига спортнинг аҳамиятини тушунтирди.

Урганча «Олимпия заҳиралари» коллежи ташкил қилинганда, уни ўқув юртига ишга таклиф этишди. Санамжон бунга баҳонидил рози бўлди. У қизлар ўртасида волейболни омалаштиришга киришди. Қизқувчи қизларни атрофига жамлаб, машғулотларни бошлаб юборди. Харақатлари зое кетмади. Шогирдлари «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида кумуш медални қўлга киритишди. У мураббийлик қилаётган «Хоразм-коллекж» вилоят терма жамоаси олий лигага чиқди. Мана тўрт йилдирки, жамоа бу ердаги ўз ўрнини мустаҳкам сақлаб келмоқда. У икки марта олий лига супер ўйинларида иштирок этишга мушарраф бўлди.

— Машаққатдан чўчима, чунки унинг ортида шараф бор, галаба, мартаба бор, дея кўп таъкидларди отам, — дейди Санамжон. — Мен умримни спортга бағишлаганимдан қувонаман. Айниқса, вилоятимизда қизлар ўртасида волейбол спортини янги босқичга кўтарилишида озми-кўпми хиссам борлигидан фахрланаман. Тажрибамдан келиб чиқиб айтманки, спорт инсонни улғайди. Қайси соҳада ишламасин, аёллар спортнинг бирон тури билан шугулланишни одат қилиши керак.

Санамжон ва унинг жамоаси янги муваффақиятларни қўлга киритиш ниятида. Улар энди халқаро ареналарни забт этиш учун курашмоқдалар. «Олимпия заҳиралари» коллежи раҳбарлари қизларни хар томонлама қўллаб-қувватлашмоқда.

— Спорт билан шугулланиш орқали биз жамиятга кўпроқ наф қилишимиз мумкин, — дейди яна С. Примова. — Буни шогирдларимга кўп таъкидлайман. Жамоамизда Диана Матназарова, Мавлуда Собирова, Гулноза Хўжапова каби тиришқок қизлар бор. Улар билан юртимиз номини янада юксакларга кўтара олишимизга ишонаман.

**Муҳаббат ТўРАБОВА**



**БОШ МУҲАРРИР**  
**Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ**

**Тахрир ҳайъати:**  
Алла Долженкова,  
Виктор Зверев  
(бош муҳаррир ўринбосари),  
Маъмура Адилова,  
Мирзохид Содиқов,  
Носирхон Акбаров,  
Ойсулув Нафасова,  
Пиримқул Қодиров,  
Соғиндик Ниетуллаев,  
Шавкат Абдуллаев,  
Шамси Эсонбоев,  
Элёр Ёқубов,  
Ғулмузоқир Юсупов

**Бизга қўнғир оқ қилинг:**

**Котибият**  
**153-52-78**

**Бўлимлар**

**Касаба уюмлари ҳаёти бўлими:**  
**153-87-63**

**Ижтимоий-иқтисодий сийбас бўлими:**  
**153-87-74**

**Хуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими:**  
**153-87-73**

**Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими:**  
**153-82-79**

**Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими:**  
**153-85-43**

**Реклама ва эълонлар бўлими:**  
**153-03-90**

**БИЗНИНГ МАНЗИЛ:**

700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.  
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

**E-mail:**  
ishonch\_doverie4@mail.ru

**Газета ҳафтанинг**  
**сешанба,**  
**чоршанба,**  
**жума ва шанба кунлари чиқади.**

**Навбатчи котиб - А.Алламуродов**  
**Навбатчи муҳаррир - Ғ.Юсупов**  
**Навбатчи - А.Юнусов**  
**Мусаххач - Д.Комолов**

**Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

**IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди.**  
**Бичими А-2.**  
**Ҳажми 2 босма табоқ.**  
**Сотувда эркин нарҳда.**

**Босишга топшириш вақти - 21.00.**  
**Топширилди - 22.00**

**Буюртма Ғ - 1315**  
**Тиражи: 7553**

## 2006 ЙИЛ НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ

1901 йилдан бошлаб хар йили буюк ишлар учун бериладиган халқаро мукофот уни таъсис этган шведиялик Альфред Бернхард Нобель (1833 - 1896 йй.) номи билан боғлиқ. Нобель саксондан ортиқ кашфиёт муаллифидир. Динамит, сунъий ипак, газ моторлари ва бошқалар ҳаммага яхши маълум. Аммо бу олим ва тадбиркорнинг жаҳонга машҳур қилган сунъий «кашфиёти» — унинг 1895 йили Парижда ёзиб қолдирган бир парча «Васиятнома»сидир. Шунга кўра, унинг вафотидан кейин қолган маблағ асосида Нобель жамғармаси ташкил этилди; шу жамғармага хар йили келиб тушадиган даромад беш қисмга тенг бўлиниб, ирқи, миллиати, жинси ва динидан қатъи назар, физиология ёки тиббиёт, физика, кимё соҳасидаги кашфиётлар, баъдий асарлар, халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун берилди.

1968 йили Швеция давлат банки — Риксбанк ташкил этилганлигининг 300 йиллик юбилейи ва иқтисодиётнинг жаҳонда тутган катта ўрни туфайли иқтисодиёт фанлари соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган кўшимча олтинчи Нобель мукофоти ҳам таъсис этилди.

Бу мукофот Нобель тасвири тўширилган олтин медал (физика ва кимё учун бир хил, қолган номинацияларда алоҳида), диплом ва микродори Нобель жамғармасидаги даромадга боғлиқ (бу йил 10 миллион Швед кронаси ёки 1 миллион 370 миң АҚШ доллари бўлган маблағдан иборат, Альфред Нобель васиятига кўра, мукофотни бериш вазифаси Стокгольмдаги Кириллик Фанлар академиясига (кимё, физика, иқтисодиёт фанлари бўйича), Стокгольмдаги Кириллик тиббиёт — жароҳлик институтига (физиология ёки тиббиёт бўйича) ва Стокгольмдаги Швеция Кириллик академиясига (баъдий асарлар — адабиёт бўйича) топширилган. Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун мукофотни Норвегия (Осло) парламентининг Нобель комитети аъзолари беради. Тинчлик мукофотидан ташқари ҳамма муко-

фотлар фақат индивидуал тарзда (шахсларга) берилди (улар сони учтадан ортиқ бўлмашлиги керак). Вафот этганларга бу мукофот берилмайди. Совриндорлар номи одадта қолди. Нобел туғилган кун (21 октябрь) арафасида эълон қилинади.

Мана улар — 2006 йилги Нобел мукофоти совриндорлари:

**Физиология ёки тиббиёт (медицина)** соҳасида америкалик тадқиқотчилад Эндру Файер (1959 йил туғилган, Станфорд университети) ва Крайг К. Меллоу (1960, Массачусетс университети) шу мукофот соҳиб бўлдилар.

**Физика** фани бўйича АҚШ космик тадқиқотлар маркази (НАСА) ходими Жон К. Мазер (1946) ва Калифорния университети профессори Жорж Ф. Смут (1945) мукофотга лойиқ, деб топилди.

Станфорд университети профессори Роджер Д. Корнберг (1947) кимё фани бўйича Нобель мукофоти лауреати бўлди.

**Иқтисодиёт** бўйича соврин Нью-Йоркдаги Колумбия университети профессори Эдмунд С. Фелпсга (1933) берилди ҳам бўлди. Унга бу мукофот «макроиқтисодий сийбасида қисқа муддатли ва узок муддатли эффектларнинг ўзаро боғлиқлиги бўйича тадқиқотлари учун» берил-

ди.

**Адабиёт** бўйича Нобел мукофоти туркиялик ёзувчи Орхан Памук (1952)га берилди. Унинг катта хизмати шундаки, у 1915 йили арман халқига нисбатан қилинган геноцид (оммавий қиргин, 1,5 миллион одам ўлдирилган)нинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини очиб берди. Унинг асарлари 40 тилга таржима қилинган.

Тинчлик бўйича соврин Бангладеш ғуқароси — иқтисодчи Муҳаммад Юнус (1940) ва у томонидан таъсис этилган «Грамин Банк»ка берилди. 1976 йили очилган бу банк кам таъминланган, қашшоқ оилаларга миникредит бериш йўли билан камбағалликка қарши курашда миллионла одамларга катта ёрдам берди. Бу банкнинг бошқалардан фарқи, ўзига хос хусусияти шундаки, кредит-қарз мулкый кафолат бўлмаган тақдирда ҳам берилди (камбағалда нима бор?). Банк тажрибаси кенгайиб, жаҳоннинг 22 давлатида унинг филиаллари очилган ва камбағалларга хизмат қилмоқда (кредит миқдори 6 миллиард доллар).

Яна шуниси ҳам диққатга сазоворки, Муҳаммад Юнус 190 та номзод ичидан танланиб, мукофотга лойиқ, деб топилди.

Мукофот жамғармасига даъвогарлар бирдан ортиқ бўлса (унтагага мумкин), жамғарма тепла-тенг микдорда бўлиб берилди (ярим ёки учдан бир). Мукофотни топшириш танта-налари Стокгольм ва Ослода Альфред Нобель вафот этган кун (10 декабрда) ўтказилди.

Биринчи мукофот 1901 йили топширилган бўлса, хозиргача уларнинг сони 597 тага етди.

**Абдуҳалил РАЗЗОҚОВ,**  
**ТДИУ профессори**

# МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси